

Куч—адолатда



# АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 2 июль, № 24 (217) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Ислом КАРИМОВ:

## ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ



**Савол:** Мухтарам Президент, бу йил Ўзбекистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлгуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?

давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик куриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бундан ташқари, тарққийёт бўлмайди. Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва қадрият-

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавоблари шу йил 2 февралда эълон қилинган эди. Унда бу йил мамлакатимизда ўтказиладиган сайловлар тўғрисида ҳам фикрлар билдирилган.**

лар жамоатчилик онгида қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит шаклланиб бораётган бир пайтда бу масала буйича очиқ гапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошқорла билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат куриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундайди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдириш остида истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлиши эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий фуқаролик жамиятда сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон таърибига курсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қонунчилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қан-

дай монеликсиз рўёбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қараганда бу осонгина кечадиган жараёнга ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борлиги, бу ҳақда муфассалроқ тўхталуш лозим деб, уйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш буйича муайян таърибга тулган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов таърибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демаки, биз жаҳон сайлов таърибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонунларимизнинг моҳиятига тегиниб кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакики, бўлгуси сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қизгин бўлади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига синдириш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ гояга эга бўлиш билан бирга нимагадир эки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана

шундай ҳолат ва мана шундай ендашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Соғда қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндашуш ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий кўз билан қараши, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган ҳулосалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган гояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор, деб уйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир. Бир пайтлар оташин шоиримиз Чўпон «Оринг, дўстлар халқ ичига бораёйлик!» деб хитоб

қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият курсатиши истаса, бўлгуси сайловларда ўз тарафдорларини кўпайтириб, жамиятда етакчи мавқени қўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни баҳо-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан саклаш учун кенга кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, халқаро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг ҳолис, ошқор ва демократик руҳда ўтишига қумаклашайди.

Бизнинг мақсадимиз — сайловларни ўз Конституцияимиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тула риоя қилиш заминида ўтказишдир. Умумэътироз этилган халқаро меъёрлар, илгор демократик давлатларнинг ижобий таърибасини қўлаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги образ-эътибори юксалишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, булажақ сайловларни демократия нуктаи назаридан, келажагимиз нуктаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак.

Акс садо

## ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига жавобларида кўтарилган масалалар жойларда зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

**Мирумар АСАДОВ,** Ўзбекистон Кахрамони, Самарқанд меъморчилик илмий-таъмирлаш устaxonасининг сангторши.

Бир донишманддан дунёда энг улуг, энг савоб иш нима деб сурашди. Иморат куришни, кўприк солишни, дашту бивбонга сув чиқаришни ёки мухтож, бева-бечораларнинг бошини силлашми?

Донишманд бир зум ҳаёлга толиб сўнгра: ҳаммаси керак. Аммо билсангиз, савоб ишларнинг энг улуги инсон наслини тарбиялаш деб жавоб қайтарган экан. Чунки оқил тарбияли инсон сиз солган иморату кўприкларни вайрон қилмайди, дашту бивбонни сувга хор қилиб қўймайди ва энг муҳими бева-бечорани мухтожлик чангалига ташлаб қўймайди.

Ҳа, тарбияда ҳислат кўп. Биз янги дунё фарзандларини вояга етказаямиз. Лекин эртага улар қандай инсон бўлиб қамолга етишайди? Ишончини оқлашадими? Зотан мухтарам Президентимиз «ҳар қайси шахс, аввало ёш авлод қалбига жамият, эл-юрт қўйингиз ота-она олдида масъулият ўғитиш, иймон ва ирода тушулчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир» деб бежиз таъкидлаганлари йўқ.

Шундай экан, ҳаётда ҳар бир инсон аввало ўзига ва ўзгаларга тарбиячи бўлсин. Оламийликни, меҳр-шафқатни, юртпарварликни ёшлар қалбига сингдирайлик. Ва, Президентимиз жуда тўғри ўқитганларидек, тарбиянинг мезони фақат ҳақиқат, ҳалоллик ва ростгўйлик бўлмоғи лозим. Ёшлар ҳаётини, аждодларимиз солган иморату кўприкларни, Ватанини қадрлашсин. Шунда улар ёт усурларнинг таъсирига тушиб ҳар хил бўзгунчилик, вайронагарчилик, қотилликларга қўл уршмайди. Оллоҳ берган ақлу заковат билан турғи йўлни адолатий топиб олади.

Зеро ҳали олдимизда турган улуг, машаққатли ишлар кўп. Жаҳонни фақатгина бой ўлтишимиз билангина эмас, бугунги фаровон ҳаётимиз, маданиятимиз, илму фаннимиз билан ҳам ҳайратга солиб, янги-янги иморатлар курайлик. Ватанинг корхонага ярайдиган оқил, забардаст ёшларгина бу вазифани бажаришга қодир.



• Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига берган жавобларида кўтарилган масалаларни зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. Улар жавобларда кўтарилган масалалар гоят долзарблиги билан бугунги кунда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

СУРАТДА: партия аъзоларидан бир гуруҳи жавобларда кўтарилган масалаларни муҳокама қилишиб, ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

## ОЛИЙЖАНОБ ФАЗИЛАТ ЎЗ-ЎЗИДАН ШАКЛЛАНМАЙДИ

Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавобларини газетада ўқиб гоятда таъсирланиб кетдим. Чунки у Ватан истиқлоли, унинг таррақийетини таъминлайдиган етуқ, баркамол, билимли, қобилиятли, салоҳиятли, юртига, халқига садоқатли инсонларни тарбиялашдек муҳим муаммага бағишланганлиги билан ҳам қимматлидир.

Мен қарийб чорак асрки, 1-Тошкент тиббиёт институтида талабаларга сабоқ бериб келаман. Утган давр мобайнида шу нарсага амин бўлдимки, бола бошидан, ўғлон ёшдан деганларидек, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ экан.

Чунки эндигина урта мактаб парчасидан келган болаларнинг ҳаммаси ҳам бирдай тарбияли, интизомли, меҳр-оқибатли бўлавермайди. Шунинг учун ҳам уларга кўп нарсаларни ўргатишимизга турғи келади.

Юртбошимиз бу ҳақда ўз жавобларида шундай деб жуда тўғри таъкидлаганлар: «Модомики, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз бораётганда, биз муҳим бир нуктани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очикроқ айтиладиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизиминда ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гудақлигидан юз-кўз-лини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювқисиз ҳолда дастурхон атрофида ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган

шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди».

Модомики шундай экан, биз ҳар бир талабанинг ҳулқ-атворини чуқур ўрганишимиз, шундан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ишларини ташкил этмоғимиз лозим. Бу нарса биз ўқитувчилар, хусусан олий ўқув юрталари домлалари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Ана шуларни назарда тутиб кўриб кеча кафедраларимизда йиғилиш ўтказиб ёшларга нафақат пухта билим бериш, балки уларнинг таълим-тарбиясига аҳамият қаратиш лозимлигидан келиб чиққан ҳолда тадбирлар ишлаб чиқдик.

Ана шуларни амалга оширсак, уйлайманки юрт қорнига ярайдиган баркамол мухтаassisларни тайёрлаймиз.

Файзулла ИБРОХИМОВ, 1-Тошкент тиббиёт институти одам анатомияси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди.

Назм

## ҚИЛМА ҲИЁНАТ

Охиратни ўйлаш гар бўлса одат — Имон сенга бергай буюк саодат. Зарра бўлса сенда ору диёнат, Қилмагил сен ўз элинга ҳиёнат.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ.

Танишинг

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**Савол:** — Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда нечта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда? Уларнинг низомида қандай мақсадлар кўзда тутилган?

**Жавоб:** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жами бешта сиёсий партия рўйхатга олинган. Уларнинг фаолиятлари ҳақида қисқача маълумотлар қуйидагича:

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Республика Адлия вазирлиги томонидан 1991 йил 15 ноябрь кунин партия низоми рўйхатга олинган. Қўшимча ва ўзгаришлар киритилган ҳолда мазкур низоми 1993 йил 19 май ва 1995 йил 23 март кунлари қайтадан рўйхатдан ўтказилган.

Партиянинг асосий мақсади — Ўзбекистон халқи, меҳнат аҳли, мамлакатдаги ҳар бир оила ҳамда фуқаронинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқидан қатъий назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечирishi учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати, тинч ҳаёт кечирishини ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов. Партиянинг олий органи — Қурултой, Марказий Кенгаш.

### ЎЗБЕКИСТОН «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ

Республика Адлия вазирлиги томонидан 1992 йил 10 июль кунин партия низоми рўйхатга олинган. 1993 йил 9 сентябрда қайта рўйхатга олинган.

Партиянинг асосий мақсади — Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий-маънавий асосларини барпо этиш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантиришдир.

Ўзбекистон «Ватан тараққийети» партиясининг раиси Ахтам Турсунов. Партиянинг олий органи — Қурултой, Марказий Кенгаш.

### ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Республика Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 18 феврал кунин партия низоми рўйхатга олинган.

Партиянинг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, юксак маънавият ва маърифатни қарор топтиришга қумаклашадан иборат.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сив-

сий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов. Партиянинг олий органи — Қурултой, Сивсий Кенгаш.

### ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Республика Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 9 июнь кунин партия низоми рўйхатга олинган.

Партиянинг асосий мақсади — миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилиш.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Гофуров, партиянинг олий органи — Қурултой, Марказий ҳайъат.

### ЎЗБЕКИСТОН «ФИДОКОРЛАР» МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Республика Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 январ кунин партия низоми рўйхатга олинган.

Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг асосий мақсади эркин бозор иқтисодига сўянган очик, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, эл-юрт ҳаёт даражасини тараққий топан давлатлар ва халқлар даражасига қутариш, жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрнини эгаллаб олиш ишига амалий ҳисса қўшишдир. Партия бош котиби Эркин Норбутов. Партиянинг олий органи — Қурултой, Марказий Кенгаш.

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ XII ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

29 июнь кунин Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сивсий Кенгашининг XII Пленуми бўлиб ўтди. Пленумни очган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сивсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов кун тартибидagi масалалар хусусида йиғилганларга ахборот берди. Шу билан биргаллик-да партия Сивсий Кенгашининг биринчи котиби ўтган Пленумда бу Пленумгача бўлган даврда вилоят партия ташкилотларида бўлиб ўтган ўзгаришларга ҳам тўхталди ўтди.

Жумладан, Жиззах вилояти партия Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги Пленумида ташкилий масала курилиб, Жиззах вилояти касаба уюшмалари кўмитасининг раиси Қудратилла Рафиқов партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Бундай ўзгариш Самарқанд вилояти партия ташкилотиди ҳам амалга оширил-

ди. Вилоятда бўлиб ўтган охириги пленумда партия Сивсий Кенгашида масъул вазифада ишлаб келатган Утамурад Нурмухаммедов бир овоздан Самарқанд вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Шундан сўнг кун тартибидagi асосий масалалар куриб чиқилди. Пленумда Ўзбекистон

«Адолат» социал-демократик партияси Сивсий Кенгашининг котиби, «Адолат» газетасининг Бош муҳаррири Тўхтамурад Тошев «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» маърузаси буйича Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар-

нинг бажарилиши ва келгусидаги вазифалар хусусида» маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида аввало эътиборини муҳим маърузадан келиб чиқадиган вазифаларга қаратиб, уларнинг бажарилиши йўллари тўғрисида қисқа ва лунда тушуниришлар берди, кўп-партиявийлик шароитида бўлиб ўтадиган булажақ сайловлар олдидан қилинадиган муҳим ишларга Пленум қатнашчиларининг эътиборини қаратди. Маъруза юзасидан музокараларда Тошкент вилояти партия ташкилотининг иккинчи котиби Маҳмуд Мўйинов, Самарқанд вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Утамурад Нурмухаммедов, Наманган вилоят партия Кенгашининг

иккинчи котиби Ҳакимжон Ҳалилов, Андижон вилоят партия ташкилотининг котиби Қозимжон Эгамназаров, Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси уринбосари Муътабар Соҳибов, партия Сивсий Кенгашининг котиби Анвар Жўрабоев, «Адолат» газетаси Бош муҳаррири уринбосари Рустан Аҳмадалиев, Бухоро вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Раҳматжон Аҳмедов сўзга чиқиб, Пленумда қурилатилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди. Партия Сивсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмахмудов маъруза ва музокараларга

яқун ясаб, олдиди турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Пленумда ташкилий масала ҳам куриб чиқилди. Партия Сивсий Кенгашининг айрим аъзолари партия ишлари билан шуғулланмай қўйганликлари ва Сивсий Кенгаш билан ўз алоқаларини узганликлари учун Сивсий Кенгаш аъзолигидан чиқарилди ва уларнинг урнига энг фаол партия ходимлари қабул қилинди.

Пленум ишига партия Сивсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов расилки қилди.

Пленумда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



# ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг биринчи чақириб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» маърузаси бўйича Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши ва келгусидаги вазифалар хусусида» Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши котиби Тухтамурод Тошев маърузаси

Бугун биз улкан воқеалар силсиласида яшамокдамыз. Ҳадемай мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини нишонлаймиш. Ҳеч кимга сир эмас, утган йиллар мустақил Ўзбекистон учун кўп жиҳатдан юксалиш йиллари бўлди. Ўзбекистонни жаҳон, жаҳон эса Ўзбекистонни таниди. Иجتимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Мамлакатимиз Президентини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» деб номланган маърузасида ҳамиятимиз сийёсий ҳаётини эркинлаштириш орқали демократик ўзгаришларни амалга оширишни янада чуқурлаштиришга ҳизмат қилувчи бутун бир илмий-назарий гоани олга сурди. Масаланинг бу тахлитда кўйиллиши ҳамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичдаги талабларидан келиб чиқди ва унинг объектив эҳтиёжларига тулик мос келди. Мамлакатимиз Президентини томонидан ҳамият сийёсий ҳаётини эркинлаштириш масаласини назарий жиҳатдан асосланиши ҳамиятшунослик фанларининг ривожланишига қўшилган муҳим бир ҳисса бўлиши билан бирга, мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган, аниқ йўл-йўриқлар ҳисобланади. Сийёсий соҳани эркинлаштириш шунчаки бир истак бўлиб қолмай балки, аниқ пайтда аниқ мақсадларга эришишга қаратилган муҳим вазифалардир. Маълумки, демократик жараёнлар тобора ривожланиб борган сари сийёсий партияларга бўлган эҳтиёж ортиб, партияларнинг ҳамият ҳаётида урни мустаҳкамланиб бораверади. Бу объектив қонуниятдир.

Хўш, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият курсатаётган сийёсий партиялар ана шундай ортиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга, Ўзбекистон ва жаҳон сийёсатидаги тез ўзгариб бораётган воқеа, ҳодисаларни тез илгаб олишга тайёрийми ёки йўқми? Улар бугунги кундаги вазиятни чуқур тахлит этган ҳолда ўз гоаяларини халқ онгига синдира олаётганлиги ёки йўқми? Мавжуд ҳавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чораларини қурятганлиги ёки йўқми? Бугунги кунда миллий гоаяларимизга, миллий мафкурамизга халқни, айниқса, ёшларни ишонтира олаётганлиги ёки йўқми? Ёшларни теран фикрлашга ургатиш, тафаккурини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, халқимизнинг асл манфаатларини ифодалаётганидан, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажиги учун ҳизмат қиладиган миллий гоаяларимизни одамлар қалбига етказяптиларми ёки йўқми? Ваҳобийлик, «Ҳизбут-таҳрир», «Мусулмон биродарлар» ва бошқа турли диний экстремистик ниқобидоги оқимларга қарши гоаявий курашда олимпиадларми ёки йўқми? Бугунги кунда мавжуд сийёсий партиялар фаолиятига назар ташлар экансиз, бундай саволлар чикаверади. Бундай саволларнинг кетма-кет берилиши бу албатта партияларнинг қониқарсиз фаолияти оқибатидир. Шунинг учун ҳам Президент сийёсий партиялар ва ҳаркатлар ҳақида гапирар эканлар, улар мамлакатимизнинг сийёсий-иқтисодий, маънавий ҳаётини муносиб урин ололмаётганликлари ҳақида куйиниб гапирдилар. Айтиш кераки, бу танқид тоқ уринли бўлиб, бизнинг партиямиз фаолиятига ҳам тегишлидир.

Тугри, ҳамиятимиз бугун кескин сийёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Шундай бир пайтда партиялар қандай йўл тутуши лозим? Бунга яна юртбошимиз ўз маърузасида аниқ-равшан жавоб қилади. «Партиялар уларнинг дастурларида белгилаб қўйган тадбирлар ҳамиятининг ривожланишига ҳизмат қилиши, аҳолининг сийёсий фаолигини оширишда ердан бериши лозим». Президентини таъбири билан айтганда, барча демократик давлатларда бўлгани каби бизда ҳам партияларнинг узаро курашиш, гоа ва қарашларнинг рақобати, керак булса сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқ мейёрлар ва қонунийлик тартиб — қоидалари асосида олиб борилиши керак. Бу албатта аҳолининг сийёсий фаолигини ошириш, уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шу асосида сайловларнинг демократик таъминлаш асосида ўтказилишини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Сайловларда ҳар бир фуқаро узининг хоши иродасини эркин ифода қилиш имкониятига эга бўлган тақдирда унинг сийёсий фаоллиги янада ошади. Пировар-

дида ҳамиятнинг сийёсий фаоллиги ортади. Ана шу орқали ҳамиятнинг сийёсий ҳаётини эркинлаштиришда муҳим амалий натижаларга эришилади.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида Президентимиз «АиФ» муҳбири саволларига жавоб берганда: «Очигини айтганда конструктив оппозиция бизга ҳеч етишмаяпти. Қарама — қаршилиқларнинг кураши бўлмаса ҳамият ривожлана олмайди» деб айтган эди. Орадан анча вақт ўтди. Бугун ҳамиятда ана шундай муҳит юзага келдими? Афсуски, сийёсий партияларнинг бугунги кундаги фаолиятини ушбу саволга жавоб топиш қийин. Чунки, улар халқ ичига чуқурроқ кириб бораётганлар. Уз дастурлари ва гоаяларига халқни ишонтира билмаяптилар. Айтилик, Ўзбекистонда 24 миллион аҳоли бор. Шунга нисбий олганда бирор-бир партия шу кунгача ақалли 1 миллион аъзосига эга эмас. Яқинда ўтказилган социологик тадқиқотларга кура, «Сиз сийёсий партиялар фаолиятини қандай баҳолайсиз? Ўзбекистонда қандай сийёсий партиялар мавжуд? — деган суровларга тадқиқотда иштирок этганларнинг 37 фоизи Халқ демократик партияси фаолиятига қониқарли, қолган партиялар фаолиятига эса қониқарсиз баҳо қуйишган. Суровда иштирок этганларнинг асосий қисми сийёсий партиялар тугрисида етарли маълумотга эга эмасликлари маълум бўлди. Минг афсуски, шундай бир пайтда аширин фаолият курсатаётган «Ҳизбут-таҳрир» каби диний-экстремистик оқимлар тафаккур бўшлиғидан фойдаланиб, айрим ёшларимизни ўз сафларига тортирди. Бунинг оқибатини куйриб турибсиз. Феврал ойида уларнинг содир бўлди. Лекин улар қилмишлари учун одил суд томонидан тегишли жаза олдилар. Шу уринда ҳақиқ бир савол туғилди: Нега қонуний фаолият курсатаётган сийёсий партиялар ёшларимизни ўз ортидан эргаштира олмайди? Уларнинг муракб онгига ватанпарварлик, халқпарварлик гоаяларини синдира олмадилар? Бу уринда Президентимиз узининг кўпгина нутқларидан «Бизга томошабин кўзатувчилар, иштирокчилар эмас, мустақиллик учун курашувчилар керак» деганларидан минг бор ҳақ эдилар. Тугри, партияларнинг дастурлари, гоаялари, йўл-йўриқлари, бошқачароқ айтганда, йўналишлари, мақсадлари турлича бўлиши мумкин. Аммо жилгалар йиғилиб, дарёга қуйилганидек уларнинг мақсадлари аниқ бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилмоғи лозим эмасми? Ҳолбуки, бизда сийёсий партияларнинг тула-туқис фаолият курсатишлари учун ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жамоат биланшмалари тугрисида», «Сийёсий партиялар тугрисида»-ги қонулар бундай жамоатчилик сийёсий кунгили биланшмаларнинг пайдо бўлишига ва фаолият курсатишига замин яратди. Дастлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, сунгра «Ватан тараққиёти», «Адолат», «Миллий тикланиш», «Фидоқорлар» истиқлол ва демократия меваси сифатида дунёга келди. Маълумки, ҳар қандай демократик ҳамиятда кулпартиявийлик фуқаролик ҳамиятнинг ажралмас бир қисмидир. Кулпартиявийлик таъминлининг қонулаштирилиши ҳамиятдаги барча сийёсий партиялар ва оқимлар уртасида мунтазам равишда рақобатлашиш имконини туғдиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов исонга унинг сийёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушини қафолатлашда кулпартиявийликни шакллантиришни ҳақиқий демократияни муҳим ва қонуний белгиси сифатида эътироф этади. Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, демократиянинг сифати партиялар сонини куйайтириш билан улчанмайди. Бу кенг ижтимоий табақалар манфаатини узда ақс эттирган сийёсий партияларнинг фаолияти учун етарли шарт-шароит яратиш билан мумкин. Кулпартиявийликни шакллантириш ҳамиятда бирдангина онсон куймайди. Ҳақиқий кулпартиявийлик фақат бир нечта партияларнинг руйхатдан ўтишигина эмас, балки бу барча сийёсий партиялар тенгма-тенг ҳуқуқий шароитларда бўлган, ҳамият барча гуруҳ ва табақаларига таъсир курсатишда виждонан мусобақалашадиган, аниқ фаолият курсатишда тизимдир.

Бу уринда ҳолис муҳолифат концепцияси ҳақида айтиб ўтмоқ жоиздир. Чунончи бу нарса хоржий ҳамкасбларимиз Левитин, Корлайларнинг «Ислам Каримов — янги Ўзбекистоннинг Президенти» китобида яхши ифодаланган. «Демократик ҳамиятда томонлар ушбу ҳамиятнинг асосий мақсадини ёқлаб чикадилар. Сийёсий рақиблар бир-бирларини

севишлари шарт эмас, бироқ улар бир-бирларига нисбатан тоқат билан муносабатда бўлоқлари ва ҳар бирлари қонуний ва муҳим рол уйнаётганликларини эътироф этмоқликлари лозим. Устига устак ҳамиятнинг асосий қонуларни ҳоқимият ва муҳолифатни узаро тоқатли қилишга даъват этмоғи даркор».

Ҳа, юртбошимиз таъкидлаганидек, сийёсий партия ва оммавий ҳаракатлар халқ ва ҳоқимиятнинг бир-бири билан боғлайдиган демократик институт бўлмоғи лозим. Партиялар ҳамиятнинг асосий мақсадларини амалга оширишда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишлари керак.



Хўш, ана шу беш партиянинг бири — «Адолат» социал-демократик партиясининг бугунги кундаги фаолияти замон талабларига жавоб берадими? Айтиш кераки, тугган тўрт йил мобайнида партия ташкилий жиҳатдан тула шаклланиб бўлди. Барча вилоятларда, туманларда партия Кенгашлари ишлаб турибди. Гарчи унинг бугунги кундаги фаолиятида белгиланган тадбирларни тула-туқис амалга ошириш имконияти бўлмасада, бироқ партия халқнинг кенг ижтимоий табақалар манфаатини қўзлаган ҳолда халқ ичига «чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Президентимизнинг XIV сессиядаги маърузасидан сунг ишлаб чиқилган тадбирлар режаси асосида талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган иқтисодий, сийёсий, ва ижтимоий ислохотларни қўлаб-қувватлаган ҳолда партия фаоллари уларни амалга оширишда жонбозлик курсатмоқдалар. Аёллар йили билан боғлиқ белгиланган тадбирлар тула-туқис амалга оширилиб келинмоқда. Кейинги йилда партиянинг барча бугунги кундаги ташкилий ишлар куйайтирилди. Сафларга ҳалол ишбилармон, маънавий етуқ фуқаролар жалб этилди. Доимий равишда ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, Сийёсий Кенгаш ва маҳаллий кенгашларнинг ташкилий ва моддий аҳолини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда телевидениеда сийёсий шарҳловчи Қуддус Аъзам уюштирган сийёсий партиялар фаолиятига доир давра суҳбати гоат мазмунли ва баҳсли ўтди. Унда жуда кўплай фойдали фикрлар, тахлифлар айтилди. Партиялар фаолиятига ҳолис баҳо берилди. Ютуқлар узимизники. Лекин шу билан бирга ҳали фаолиятимизда кўпгина камчиликлар, сусткашликлар мавжуд. Бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири партиянинг парламентдаги фаолиятини фаоллаштириш ва уни парламентчилик демократияси ривожланган мамлакатлар парламентларидаги партия фракциялари даржа-сига етказиш зарур. Булажақ сайловларда фаол иштирок этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш муҳим иш. Партиянинг сайловолди платформаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Эндиликда унинг ҳам ташвиқоти яхши йўлга қуймоқ керак. Жойларда ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказиш билан бирга партиянинг наватбаддаги Курултойига тайёргарлик ишлари ҳам олиб боришмоқда. Шунингдек, Сурхонадрё, Навоий, Фаргона вилоятлари партия Кенгашларини ташкилий жиҳатдан куйайтириш чораларини кўрмоғимиз лозим. Хуллас бир сўз билан айтганда, бугунги кунда сийёсий партиялар, шу жумладан «Адолат» социал-демократик партияси кун талаблари даржасида фаолият курсатишга ҳаракат қилмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида аҳоли турли қатламларининг сайловларда фаол иштирокини таъминлашининг сийёсий ҳаётини эркинлаштиришдаги фаолиятини курсатар эканлар бунда сайловлар Конституцияимиз ва қонунийчилигимиз талабларига қатъийан таянган ҳолда умум эътироф этилган халқаро амалиёт мейёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлигин алоҳида таъкидлайдилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, одамларнинг сийёсий фаолигини оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг, айниқса, сийёсий партияларнинг роли ва аҳамияти гоат каттадир. Юртбошимиз сузи билан айтганда, «Сийёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳоқимият тизимларида, аввало ҳоқимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан урин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин».

• Маъруза қисқартирилган ҳолда берилди.

Сийёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳоқимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, ҳамият марказда ва жойларда сайланган ҳоқимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак.

Ислам КАРИМОВ.



СУРАТЛАРДА: пленум қатнашчилари.

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ XII ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг XII Пленуми мамлакатимизда сийёсий фаоллик жонланиб, тобора кунга кираётган бир даврда, Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» маърузасида ҳозирги кунда фаолият курсатаётган сийёсий партияларга берган баҳосидан келиб чиқиб, уларнинг ўз фаолиятларини жонлантириш, халқ ичига кириб бориш, ўз масалалари, ҳаракат дастурлари билан кенг халқ оммасини таништириш ишларини фаоллаштиришга бир пайтда бўлиб ўтди.

Юртбошимиз курсатиб ўтганидек, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва ҳамиятнинг янгилаш борасидаги биринчи устивор йўналиш — мамлакат сийёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва ҳамият қурилишини янада эркинлаштиришдир.

Сийёсий соҳани эркинлаштириш борасида, авваломбор, аҳолининг сийёсий фаоллигини куйайтириш, ҳамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар урта-

сида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш кузда тутилди.

Демократиянинг энг муҳим таъминоти — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоши-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини руйбга чикариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим, — деб таъкидлади юртбошимиз.

Пленум Президентимизнинг ушбу маърузасида келтирилган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, авваломбор, ўз аъзолари ва тарафдорларига ушбу вазифаларнинг асл моҳиятини етказиб бериш ва уларни амалга оширишда барча бугунлардаги партия ташкилотлари фуқаролар орасида ишларини фаоллаштиришлари зарур деб ҳисоблайди.

Пленум Президентимизнинг ушбу маърузасида келтирилган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, авваломбор, ўз аъзолари ва тарафдорларига ушбу вазифаларнинг асл моҳиятини етказиб бериш ва уларни амалга оширишда барча бугунлардаги партия ташкилотлари фуқаролар орасида ишларини фаоллаштиришлари зарур деб ҳисоблайди.

орасида олиб бораётган тарғиботларига қарши ватанпарварлик, инсонийлик, миллатлараро ҳамжиҳатликка асосланган гоаяларни тарғиб қилишдир.

Пленум демократик жа-раванларни шакллантиришда муҳим рол уйнайдиган ҳоқимият тизимларига бўладиган сайловларда партиянинг қатнаш билан сийёсий куч сифатида кураш олиб боришини таъминлаш учун ташкилий ва мафкуравий жаҳалларда тадбирлар белгилаб, уларни амалга оширишда барча «адолатчи»ларни сафарбар этиш лозим деб ҳисоблайди.

Пленум Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши котиби Тухтамурод Тошев маърузасидан, ҳамда бошқа партияларнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши котиби Т. Тошевнинг «Президент И. Каримовнинг Биринчи чақириб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ун туртинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» маърузаси бўйича партия тадбирларининг бажарилиши ҳақида»-ги маърузаси маълумлансин.

мобайнида ушбу қарорда белгиланган тадбирлар режасини тузиб, шу режа асосида ишларни амалга оширишни йўлга қўйсиналар.

3. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг наватбаддаги II Курултойи шу йилнинг туртинчи чорагида ўтказиш белгилансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари июль-август ойларида шаҳар, туман партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов конференциялари ва сентябрь ойида вилоят партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов конференцияларини тайёрлаш ва ўтказиш режаларини тузиб, уларни амалга оширишга киришсинлар.

5. Ҳисобот-сайлов конференцияларда партиянинг ҳоқимият тизимларига бўладиган сайловларда партиянинг ҳоқимият тизимларига бўладиган сайловлар билан боғлиқ бўлган тадбирлари оммавий аҳборот воситаларида кенг ериштирилиши йўлга қуйсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши котибияти зиммасига юклатилсин.

## Партия ва ҳаёт ЯНГИЙЎЛДА САЙЁР ЙИГИЛИШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўнгал қиритган дастлабки кунлардан республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, унинг турмуш шароитини яхшилаш, жойларда янги-янги иш жойлари ташкил қилиб, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб, ҳамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашини ўз сийёсатининг устивор йўналишларидан бири деб қараб келмоқда.

Шу боис мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби, бизнинг пойтахт вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам ушбу ижтимоий масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Янгийўл шаҳрида ҳам ана шундай ҳайрли ишлар қилинмоқда. Кейинги йилларда шаҳар ҳоқимлигининг бевосита раҳбарлигида шаҳарда қўлаб қўша ва кичик корхоналар ташкил қилиниб, юзлаб қўшимча иш жойлари барпо этилди ва минглаб кишилар, айниқса, ёшлар иш билан таъминландилар.

Зеро, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳамиятимида ижтимоий адолатни таъминлаш қилиш учун курашиш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам юртимиздаги қўлаб савобли ишларни амалга оширишда партиядошларимизнинг бош-қош бўлаётганлари, айниқса, эътиборлидир. Жумладан, шаҳардаги «Труд» ишлаб чиқариш корхонаси шаҳарни иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу корхона раҳбари А. Қосимов

лоят партия Кенгашининг пленумида А. Қосимов сузга чиқиб, пленум қатнашчиларини тахриба алмиши мақсадида Янгийўл шаҳрига бориб, у ердаги амалга оширилаётган ишларни ўз кўзлари билан куришлари учун тахлиф қилган эди. Ушундан вилоят Кенгашининг наватбаддаги пленумини Янгийўл шаҳрида ўтказишга келишиб олинган эди.

Шунга кура яқинда вилоят партия ташкилотининг наватбаддаги сайёр пленуми Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтди. Пленум қатнашчиларига шаҳар ҳоқими Шухрат Қорабоев пешовз чиқиб, уларни шаҳарга ташрифлари билан тахриқлади ва Янгийўл шаҳрининг истиқбол ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Шундан кейин меҳмонлар Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик ҳамияти қошида янги қурилыб фойдаланишга топширилган ёшларни қаддоқлаш чехига, қандоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни, шунингдек «Труд» ишлаб чиқариш корхонаси, улардаги янги технология жараёнларини диққат билан куздан кендирилди. Сунгра шу корхонанинг узда пленум ўтказилди. Олий Мажлисининг XIV сессиясида Президент И.А. Каримовнинг маърузасида сийёсий партиялар асосидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва йўл-йўриқлар асосида вилоят партия ташкилотининг наватбаддаги вазифалари куйриб чиқилди. Ушбу ма-сала юзасидан вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби.

Махмуд МҮЙДИНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгашининг иккинчи котиби.



